(1806-йил 1-июн – 1860-йил 21-сентабр)
(1826-1860)

Мангитлар сулоласидан бўлган Бухоро амири. Отаси Амир Хайдар хукмронлиги даврида Каршида хокимлик килган. 1826-йили Амир Хайдар вафот этгач бир неча ой мобайнида Насруллонинг икки акаси - Хусайн ва Умар алмашинилди. Биринчиси захарланди, иккинчиси эса ўлдирилди. Шу йили (1826) Амир Хайдарнинг учинчи ўгли шавкатсизлиги учун “Амири кассоб” лакабини олган Насруллохон тахтга ўтирди. Акалари ўлимидан кейин тахтга ўтирган Насруллохон киска вакт ичида тахтга даъво килиши мумкин бўлган авлодларидан барчасининг бахридан ўтади. У кўшинларига таянган холда ўзбек феодал зодогонларини беаёв кира бошлади. У ер эгаларининг мол-мулки ва ерларини мусодара, ўзларини бадарга килиб, ўлдиртириб юборди. Бу борада унинг энг якин ёрдамчиси раис Рахмонбеди Ниёз эди. Насруллохон ўз хукмронлиги даврида ислом шариати кўрсатмалари амал килган. Насруллохон жасур ва довюрак киши бўлганлиги боис унга “Баходир, Ботир” унвонлари берилган. Насруллохон давлат хокимятини мустахкамлаш максадида уруг ва кавм бошликлари бўлган кўплаб амалдорларни куйи табакалардан чиккан ёш ва гайратли кишилар билан алмаштирди. 1837-йилда харбий сохада ислохатлар ўтказиб, ўз кўшининг жангавор холатини яхшилайди. Хар бири 800 кишидан иборат 50 та сарбозлар булуклари ва 250 кишилик тўпчилар гурухи ташкил килинган. Мунтазам пиёда кўшининг сони 40 минг кишидан ортик бўлган. Насруллохон Хива ва Кўкон хонликларини Бухоро атрофида бирлаштиришда урунган. Мамлакатнинг худудий яхлитлигини тиклаш учун 1840-42-йиллари Кўкон хонлари томонидан тортиб олинган Хўжанд, Ўратепа, Тошкент, Жиззах ва Зоминни Бухоро амирлигига кайтарди. Фаргона водийси уламоларининг талаби билан 1842-йили Кўконга юриш килиб хонлик худудини эгаллаган. Бирок у Кўкон хони Мухаммад Алихонни катл килиш билан чекланмасдан, унинг онаси (Нодирабегим)ни хам ўлдиради. Насруллохон томонидан Кўконга Иброхим парвоначи мангитнинг ноиб килиб колдирилиши салбий окибатларга хам олиб келган. Ноиб махаллий ахолига зулм ўтказиб, соликларни кўпайтирди. Натижада, тез орада Кўкон кўлдан кетади. 1843-йилда Насруллохон Марвни хам Бухорога бўйсунтиради. Шунингдек, Насруллохон кўшини 20 йилда олиб борган 32 та харбий юришидан сўнг 1856-йилда Шахрисабзни узил-кесил эгаллаган. Шахрисабз марказий хокимятга бўйсунгач, у сулх рамзи сифатида махаллий хукмдор - Искандар Валломанинг синлиси Кенагасхонимга уйланган.
Насруллохон хукмронлик килган йиллар Туркистон минтакасида Россия Англия манфаатлари ўзаро тўкнашган давр хисобланади. Унинг даврида Насрулло томонидан Бухорода Кози Хасанхўжа, Олимжонбой, Эшони Пир, Мирзо Убайд, Исмоилхўжа (1829), Али Чубин, Мирзо Абдулгаффор, Тожиддин мадрасалари (1860) курилди. Халифа Худайдод меъморай мажмуаси якунланди(1855). Насруллохон Бухорода дафн этилган.